

Инсон икки жиҳатдан мерос олиши мумкинми?



11:18 / 02.12.2024 379

Баъзан бир кишида мерос олиш учун икки йўл топилиб қолади. Бу икки йўл ҳар хил бўлса, мерос олади. Масалан, бир жиҳатдан фарз эгаси бўлса, иккинчи жиҳатдан асаба бўлади. Ёки бир жиҳатдан фарз эгаси бўлиб, иккинчи жиҳатдан раҳм билан олиши мумкин. Ушбу турдаги мероснинг мисоли қуйидагича:

а) Бир аёл вафот этиб, ортидан момоси, она бир акаси ва туғишган амакисининг ўғли бўлган эри қолган бўлса, момога олтидан бир, она бир акага ҳам олтидан бир, эрга эр-хотинлик сабабли фарз улуши бўлган ярим берилади, қолган молни шу эр асаба бўлиб ҳам олади, чунки у туғишган амакиннинг ўғлидир.

б) Бир эр вафот этиб, ортидан холасининг икки қизи қолди, бу қизларнинг бири унинг хотини эди. Хотин ўзининг фарз улуши бўлган тўртдан бирни олади. Қолган молга холанинг иккинчи қизи билан она тараф қариндош бўлгани учун шерик бўлиб мерос олади. Қолган мол улар ўртасида муносафа (тенглик) асосида тақсимланади. Бу мисолда хотин икки жиҳат билан мерос олмоқда. Бири эр-хотинлик жиҳати бўлса, иккинчиси раҳм – қариндошлик жиҳатидир.

в) Бир киши вафот этиб, ортидан туғишган синглиси ва аммасининг қизи бўлган хотини қолди. Хотин ўзининг фарз улуши бўлган тўртдан бирни

олади. Туғишган сингил фарз улуши бўлган яримни олиб, қолганини радд (қайта бериш) билан олади. Хотин фарз эгаси бўлган туғишган сингил борлиги учун раҳм – қариндошлик сабаби билан мерос олмайди. Валлоҳу аълам.

«Ислom шариатида мерос илми» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 24 августдаги 03-07/5163-рақамли ҳамда 2022 йил 27 сентябрдаги 03-07/7348-рақамли хулосалари асосида тайёрланган.